**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Филология, педагогика ва психология фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Кўзи ожизлар учун инглиз тилини ўрганиш (тифлопедагогика)да *“Spelling audio dictionary”* аудио қўлланмасини яратиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Кўзи ожизлар учун инглиз тилини ўрганиш (тифлопедагогика)да *“Spelling audio dictionary”* аудио қўлланмасини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- лойиҳа доирасида тайёрланган аудио луғат воситасида кўриш имконияти чекланган фойдаланувчиларнинг биринчи галда инглиз тили бўйича сўз бойлиги ошади;<br>- луғатдан ўрин олган инглиз тилидаги сўзларнинг ёзилиши борасида ҳам етарлича маълумот пайдо бўлади;<br>- журналистика соҳасига қаратилган матнларни инглиз тилида тинглаб тушуниш баробарида бу матнларни мустақил тарзда ёзма шаклда қоғозга тушуриш малакаси ҳам шаклланади;<br>- кўзи ожизларнинг нафақат инглиз тили бўйича сўз бойлигини ошириш, балки уларнинг ёзма нутқини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижасида кўриш имконияти чекланган инсонлар учун инглиз тилини ўқитиш бўйича янги методга асосланган *“Spelling audio dictionary”* аудио қўлланмаси яратилиб, аудио қўлланмаган илова тарзида унинг брайль алифбосидаги нусхаси ҳам чоп этилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,75 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,75 млрд сўм** |

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,5 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

**Бажарилиши бир йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Филология, педагогика ва психология фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Ўрмон хўжалиги соҳасига оид атамаларнинг ўзбекча-инглизча-русча-немисча иллюстратив электрон луғат ва мобил иловасини яратиш   | **Тадқиқот шакли** Ўрмон хўжалиги соҳасига оид терминларнинг ўзбекча-инглизча-русча-немисча иллюстратив электрон луғат ва мобил иловасини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>– ўрмон хўжалиги соҳасига оид тўпланган терминлар 4 тил – ўзбекча-инглизча-русча-немисча иллюстратив электрон луғат, мобил илова ҳамда компьютерлар учун электрон варианти яратилади;<br>– яратилган электрон луғатдан исталган жойда фойдаланиш имконияти яратилади;<br>– ўзбек тилида қидирув тизимига берилган атамаларнинг муқобили инглиз, рус, немис тилларида расмлар орқали визуал кўриш имконияти яратилади;<br>– фойдаланувчилар учун мобил телефон ёки компьютерларига юклаб олиш имкони бўлган мобил илова яратилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўрмончилик илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат аграр университетида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,7 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,7 млрд сўм** |

****Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,7 млрд сўм ва бажарилиши бир йилга мўлжалланган.***